

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

60112300 – ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ

бакалаврият таълим йўналишининг

МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

Тошкент – 2022



### **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат педагогика университети.

### **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги \_\_\_\_\_ бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил «23» 08 даги 5 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил «9» 09 даги 302 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

### **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби олий таълимнинг Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкаси ва касб стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

|       |                                                                                                                                  |          |
|-------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------|
| 1.1.  | <b>Қўлланилиш соҳаси</b>                                                                                                         |          |
| 1.1.1 | 60112300 – Технологик таълим бакалаврият таълим йўналиши<br>Малака талабининг қўлланилиши.....                                   | 4        |
| 1.1.2 | Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....                                                                                | 4        |
| 1.2.  | <b>60112300 – Технологик таълим таълим йўналиши бўйича<br/>бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи.....</b>                   | <b>5</b> |
| 1.2.1 | 60112300 – Технологик таълим таълим йўналиши бўйича<br>бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....                             | 5        |
| 1.2.2 | 60112300 – Технологик таълим таълим йўналиши бўйича<br>бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....                        | 5        |
| 1.2.3 | 60112300 – Технологик таълим таълим йўналиши бўйича<br>бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....                           | 6        |
| 1.2.4 | 60112300 – Технологик таълим таълим йўналиши бўйича<br>бакалаврларнинг касбий вазифалари.....                                    | 6        |
| 2     | <b>60112300 – Технологик таълим таълим йўналиши бўйича<br/>бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган<br/>талаблар</b> |          |
| 2.1   | Битирувчи умуммаданий компетенциялари.....                                                                                       | 10       |
| 2.2   | Касбий компетенциялар.....                                                                                                       | 10       |
| 2.3   | Фанга доир компетенциялар.....                                                                                                   | 12       |
|       | <b>Библиографик маълумотлар.....</b>                                                                                             |          |

**1. 60112300 – Технологик таълим бакалавриат таълим  
йўналишининг  
умумий таснифи**

*60112300 – Технологик таълим таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш миллий малака рамкаси, касб стандартлари, кадрлар буюртмачилари талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб кундузги ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади.*

Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади.

Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 3 йил.

Бакалавриат ўқув дастурининг ҳажми таълим шакли (кундузги, сиртки), фойдаланиладиган таълим технологияларидан қатъий назар 180 кредит бирлигини ташкил этади.

Бир ўқув йили учун бакалавриат таълим дастурининг ҳажми 60 кредитни ташкил этади.

Мазкур йўналиш доирасида ўқув дастурлари ўзаро яқин бўлган бакалавриат таълим йўналишлари бўйича асосий ва қўшимча мутахассислик (квалификация) бериш амалга оширилиши мумкин. Академик гуруҳ танлови асосидаги траекторияга кўра квалификация университет Илмий Кенгаши томонидан тасдиқланади.

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. 60112300 – Технологик таълим таълим йўналиши малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби 60112300 – Технологик таълим таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча педагогика соҳасида кадр тайёрлайдиган Олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

– 60112300 – Технологик таълим таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул Олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган Олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;
- Олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- Олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- таълим йўналиши(таркиби)нинг бакалаврият таълим йўналишларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

## **1.2. 60112300 – Технологик таълим таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи**

### **1.2.1. 60112300 – Технологик таълим таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

- умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиси касб стандартига мувофиқ умумий ўрта таълимда “Технология” фани ўқитувчиси мақомида педагогик фаолият олиб бориш;
- ўрта махсус ва профессионал таълимда мутахассислик фанлари ўқитувчиси сифатида педагогик фаолият олиб бориш;
- Олий таълим муассасаларида ҳамда профессионал таълимда ўқув устaxonаларини бошқариш ва ўқув устаси сифатида фаолият олиб бориш;
- ЎзРФА ва бошқа тармоқ илмий-тадқиқот институтларида мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш
- оммавий ахборот воситалари, давлат бошқарув органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида, вазирлик ва ташкилотларда касбий фаолият юритиш;
- умумий ўрта таълим мактаби директори касб стандартига мувофиқ таълим муассасасини бошқариш
- умумий ўрта таълим мактаби, профессионал таълим муассасалари, олий таълимда лаборант, кабинет мудир сифатида фаолият юритиш каби комплекс масалаларни мажмуасини қамраб олади.

### **1.2.2. 60112300 – Технологик таълими йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:**

- 60112300 – Технологик таълими бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари қуйидагилардан иборат:
- таълим жараёни; ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари;
  - таълимнинг назарий масалалари; ўқитиш методикаси;
  - лойиҳалаштириш асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;

- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари, маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёнлари.

### **1.2.3. 60112300 –Технологик таълим бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- педагогик;
- илмий-тадқиқот;
- маънавий-маърифий;
- ташкилий-бошқарув;
- ишлаб чиқариш фаолияти;

Таълим йўналиши йўналишлари бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

### **1.2.4. 60112300 –Технологик таълим бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

*60112300 –Технологик таълим бакалавриат таълим йўналиши бўйича* Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

#### **Педагогик фаолиятида:**

- **ўқув жараёнини режалаштириш:** ДТС ва ЎД ларининг мақсадларига мувофиқ ўқув режа ишлаб чиқиш, ўқувчиларнинг эҳтиёжлари ва кизиқишларидан келиб чиқиб ўқув дастурларини мослаштириш, фанларни корреляция ва интеграция тамойилларига кўра режалаштириш, дарснинг аниқ мақсад ва натижаларига кўра дарс режасини ишлаб чиқиш, дифференциал ёндашув асосида дарс шакллари ва усулларини режалаштириш, ўқув, намоёниш ва тарқатма материаллардан фойдаланишни режалаштириш;

- **таълим самарадорлигини таъминлаш:** дарс мақсадларига кўра ўқувчилар имкониятидан келиб чиқиб вазифаларни белгилаш, дарс мавзусига мос намоёниш ва тарқатма материаллардан фойдаланиш, дарсда вақт тақсимотини тўғри режалаштириш, таълим жараёнида АКТдан унумли фойдаланиш, ўқувчиларнинг ўзлаштириш натижаларига кўра дарсни ташкил этиш ва таълим беришдаги ёндашувларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш, ўқувчиларнинг таълимий мақсадлари ва ёш хусусиятларига мос келадиган ўқитиш усуллари ва ёндашувларни танлаш, ўқитишнинг фаол усулларидан фойдаланиш, ўқувчиларнинг асосий компетенциялари ва ҳаётий кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган усуллардан фойдаланиш, ўқувчиларнинг жамоавий ва лойихавий ишларини ташкил этиш ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларидан фойдаланиш, ўқувчиларга дифференциал

ёрдам бериш, назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш, ўқувчиларни мустақил фикрлаш имкониятини яратиш, дарсда мотивацияга эришиш, синфда самарали мулоқотга эришиш;

- **ўзлаштиришни баҳолаш ва қайта алоқани тақдим этиш:** таълим натижаларини баҳолаш учун турли усул ва воситалардан фойдаланиш, таълим натижаларини диагностика қилиш учун турли усул ва воситалардан фойдаланиш, таълим натижаларини таҳлил қилиш, дарс режаси ва усулларини мослаштиришда таҳлил натижаларидан фойдаланиш, баҳолаш мезонларини билиши ва амалда қўллай олиши, мавжуд муаммоларни аниқлай олиши ва таҳлил қилиш

- **тарбиявий фаолиятни ташкил этиш:** тарбиявий ишларнинг замонавий, интерактив шакл ва усулларини машғулот ҳамда синфдан ташқари ишларда қўллаш, тарбиявий ишларда ўқувчиларнинг жинси, ёши, маданий ва индивидуал хусусиятларини инобатга олиши, таълим муассасасининг устави ва ички тартиб қоидаларига мувофиқ ўқувчилар учун аниқ одоб-ахлоқ қоидаларини ўрнатиш, ижтимоий соғлом муҳитни ярата олиш, ўқувчиларда когнитив фаоллик, мустақиллик, ташаббускорлик, ижодкорлик фуқаролик позицияси, меҳнатга лаёқати, соғлом ва хавфсиз турмуш тарзи маданиятини ривожлантириш

- **хавфсиз ривожлантирувчи таълим муҳитини яратиш ва таъминлаш:** ўқувчилар орасида ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, ўқувчиларга синф ҳаётида тенг имкониятлар яратса, низоли вазиятларда оптимал ечимли қарор чиқара олиши, ўқувчилар билан индивидуал ишлар олиб бориши, замонавий оммавий ахборот воситалари дунёсида хавфсиз ишлашга ёрдам бера олиш;

- **ўз-ўзини ривожлантириш ва касбий ўсиш:** мунтазам малака ошириш курсаридан ўтиш, фанга оид адабиётлар билан танишиб, янги билимларни амалиётда қўллаш, касбий фаолият юзасидан семинар ва тренингларда иштирок этиш ҳамда ташкил этиш, ўзаро дарсларда қатнашиш, дарсларни таҳлил қилиш, очик дарслар ўтказиш, касбий фаолиятда керакли ўзгаришларни амалга ошириш;

- **ҳамкасблар ва таълим олувчиларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан ҳамкорлик ўрнатиш:** ўқувчиларнинг ота-оналарини (уларнинг ўрнини босувчи шахсларни) таълим жараёнига мактаб ҳаётига жалб қилиш, ўқувчиларнинг ота-оналарини (уларнинг ўрнини босувчи шахсларни) ўқувчиларни ривожланиши ва таълим муҳити тўғрисида қарор қабул қилишда иштирок этишга жалб этиш, тарбиявий муаммоларни ҳал қилишда ва ўқувчиларни ҳаётга тайёрлашда бошқа педагогик ходимлар ва мутахассислар, жамоат ташкилотлари ва бўлимлари (Ёшлар иттифоқи) билан ҳамкорлик қилиш;

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

- интернет тармогида энг янги илмий ютуқлар хақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш қобилиятларига эга бўлиши керак.

#### **Маънавий-маърифий фаолиятида:**

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;
- ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;
- глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири хақида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- вазирлик ва ташкилотлар раҳбарларининг маънавий-маърифий, ёшлар билан ишлаш ҳамда тадбиркорлик ишлари самарадорлигини ошириш, бўйича малака ва тажрибага эга бўлиш;
- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;
- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш қобилиятларига эга бўлиши керак.

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим жараёнлари ҳамда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш қобилиятларига эга бўлиши керак



– таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштириш;

– яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларининг уйғунлигига эришиш;

– таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;

– таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларида унумли фойдаланиш; ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;

– талабаларнинг креатив салоҳиятни таълим тизимини ахборотлаштириш жараёнида шакллантириш ва ривожлантириш;

– таълим менежменти бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш;

– таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш қобилиятларига эга бўлиши керак.

#### **Ахборот-таҳлил фаолияти бўйича:**

– ташкилотнинг ички ҳужжат айланиш тизимининг ишлаши тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш, турли кўрсаткичлар бўйича маълумотлар базасини юритиш ва ташкилий лойиҳалар иштирокчиларига ахборот таъминотини яратиш кўникмаларига эга бўлиш;

– ташкилотни ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишда (корхона, давлат ёки маҳаллий бошқарув идораси) ташқи алоқаларни кенгайтириш ва тажриба алмашиш учун зарур маълумотлар тўплаш тизимларидан фойдаланган ҳолда шериклар билан муносабатларни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш;

– ишлаб чиқариш жараёнида бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва бизнес жараёнларини ташкилотларнинг амалий фаолиятида қайта ташкил этиш усулларида фойдаланиш;

– хорижий ҳамкорлар билан ёзишмалар олиб бориш, электрон ҳужжатлар юритиш;

#### **Тадбиркорлик фаолиятида:**

– таълимда янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;

– бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

## 2. 60112300 – Технологик таълими бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

### 2.1. Битирувчи кўйидаги умуммаданий компетенцияларга эга бўлиши лозим:

– дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва табиий –илмий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

– табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ходисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

– инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

– ахборотни олиш, саралаш, сақлаш ва қайта ишлаш метод, усул ва воситаларидан фойдаланиш ва медиасаводхонлик; глобал компютер тармоқлар билан ишлаш кўникмаларига эгалик;

– электрон ахборот таълим муҳитида таълим жараёнини педагогик лойиҳалаштириш;

– ижтимоий ўзаро ҳаракатга киришишда таълим иштирокчиларининг этномаданий ўзига хосликларини ҳисобга олиш.

– тегишли бакалавриат йўналиши бўйича ракобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

– битта хорижий тилни эркин сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиши;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш уқув ва кўникмаларига эга бўлиши керак;

– гигиена, меҳнат муҳофазаси ва ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш қоидалари талабларига мувофиқ, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга қобилиятлилиқ.

### 2.2. Касбий компетенциялар:

умумкасбий вазибаларни ҳал этишда фан ва таълимнинг замонавий муаммоларига доир билимлардан фойдаланишга тайёрлаши ҳамда муваффақиятли амалга оширишга доир ахборий-дидактик таъминотни яратиш ва амалда қўллаш кўникмаларига эга бўлиш;

турли ёш даврларида инсоннинг хулқ-атвори ва фаолиятини бошқаришнинг ўзига хосликлари, психик ва психофизиологик ривожланишнинг махсус қонуниятлари ҳамда индивидуал ўзига хосликларини ҳисобга олиш воситаларидан фойдаланиш қобилиятига эгалик;

ота-оналар(ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан муносабатга кириша олиш;

турли ёш гуруҳидаги болаларнинг ривожланиши, мулоқоти, фаолиятини ташхис этиш методларидан фойдаланиш қобилиятига эгаллик;

педагогик касбининг юксак ижтимоий аҳамият касб этишини тушуниш, касбий этика тамойилларига риоя қилиш;

касбий фаолиятнинг илмий соҳасидаги ўзгаришларни англаш, таҳлил этиш, умумлаштириш, аниқ хулосалар қабул қилиш кўникмасига эга бўлиш;

бирламчи манбалар асосида касбий билимларни ривожлантириш, касбий шаклланиш ва ижтимоийлаштириш имкониятини тақдим этиши;

инклюзив таълимга кадриятли муносабатнинг таркиб топганлиги; узок вақт даволанишга муҳтож ўқувчилар билан ишлаш (госпитал педагогика) технологиясига эга бўлиши;

материаллар ва уларнинг хоссалари, хусусиятлари ҳамда техник объект ва технологик жараёнларга оид маълумотларни ўрганиш;

техник объект ҳамда технологик жараёнларда махсус ва умуммеҳнат операцияларини билиш;

техник ва креатив фикрлашни, интеллектуал қобилиятларини шакллантириш;

технологик жараён ва тайёрланган маҳсулотларни бажариш кетма-кетлиги ҳамда маҳсулот сифатини таҳлил қила олиш;

жараёнларни бажарилишига оид хулосалар чиқариш ҳамда меҳнат операцияларини, маҳсулот сифатини баҳолай олиш;

касб танлашга йўналтириш кўникмаларига эга бўлиш;

психика, шахс, фаолият, мулоқот, билиш жараёнлари, иродавий сифатлар, ҳиссий ҳолатлар, индивидуал-хусусиятларга доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, ҳамда бўлажак педагог мутахассислар томонидан психик тараққиёт қонуниятлари, даврлари, механизмлари, омиллари ва шарт-шароитлари ҳақидаги замонавий илмий билимнинг ўзгартирилишини ташкил этиш;

психологиянинг моҳияти, психика ва онг тушунчалари, психик жараёнлар, ҳолатлар, хусусиятлар, психик ривожланиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари, ёш даврлари таснифи, психик тараққиётнинг турли босқичлари учун хос психофизиологик ва психологик хусусиятлар ҳақидаги билимларни билиши ва касбий фаолиятда фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш;

глобал доирада таълим тизими ривожланишининг ҳолати, асосий йўналишлари ва қонуниятларини таҳлил этиш, миллий ва ҳудудий ўзига хосликлардаги умумий кўринишларни очиқ бериш, халқаро педагогик тажрибанинг ижобий ва салбий жиҳатлари, миллий педагогик маданиятни бойитиш шакл ва методларини аниқлаштириш билиш;

умумий ўрта таълимнинг технология фани бўйича олимпиада ва танлов масалаларини ечиш; умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида эстетик маданият ва ижодкорлик, ўз-ўзини ривожлантириш ва асраш, амалий фаолиятни ривожлантириш компетенциялари шакллантириш; умумий ўрта

таълимнинг технология фани бўйича илмийлиги даражасига ўқув қўлланмаларда баёни асосида асосланган баҳо бериш; умумий ўрта таълимнинг технология фани ривожланиш тарихини ижтимоий иқтисодий контекстда таҳлил қилишга ва уни касбий фаолиятида фойдаланиш; умумий ўрта таълимнинг технология дарсларида ўқувчиларнинг техник ижодкорлигини, қобилиятини, тафаккурини ривожлантириш, дарс жараёнида табиий ва суний ҳамда металл ва металлмас материалларга технология асосида ишлов бериш усуллариини ўргатиш орқали касб-хунарга йўналтириш, халқ хунармандчилиги асослари, қишлоқ хўжалиги асослари, рўзгоршунослик, электротехника ишларини бажаришда касб-хунарга йўллаш бўйича билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш ҳамда уларни ҳаётда қўллай олиш лаёқатини шакллантириш.

### **2.3. Фанга доир компетенциялар.**

Таълимнинг ўзига хосликларини англаш, турли типдаги таълим муассасаларида ўқувчиларни ўқитишда узвийликни амалга ошириш воситаларини эгаллаганлик;

технология фанининг назарияси ва амалиёти доир замонавий билимларни эгаллаганлик;

фанга доир билим, кўникма ва малакаларни қўллай олиш ҳамда эгалланган таянч билимларни ўқувчиларга етказиш қобилияти;

соҳанинг назарий асосларини пухта эгаллаган бўлиши ва ундан турдош тармоқларда самарали фойдалана олиши, билимига эга бўлиши, амалий ҳаракатларни бажариш кўникмасига ва малакасига эга бўлиши;

Технология таълими методикаси фанининг ривожланиши, тарихи, педагогик технологиялар, ўқитиш методлари, ўқитиш воситаларини амалиётга самарали қўллай олиши, таълимни ДТС меъёрлари, ўқув дастурларига кўра ташкил этиши, баҳолаш мезонларини тушуниши, халқаро баҳолаш тадқиқотларини билиши ва ўқувчиларнинг табиий-илмий саводхонлигини (PISA контекстлари) ривожлантириш фаолиятида замонавий таълим технологияларидан самарали фойдалана олиш кўникма ва малакаларига эга бўлиши;

#### **Касбий квалификациялар:**

Умумий ўрта таълим мактаблари, ихтисослашган мактаблар, лицей ва профессионал таълим муассасаларида технология ва кўшимча мутахассислик (квалификация) фанларидан дарс бериш, таълим тизимида методист, ишлаб чиқариш объектлари ва ташкилотларда лаборант, фанлар академияларида лаборант-тадқиқотчи мутахассис квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

Ўқув даврининг умумий ҳажми куйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

| Ўқув даврлари                                                     | Хафта тақсимоти                    |
|-------------------------------------------------------------------|------------------------------------|
| Назарий ва амалий таълим                                          | 40-65%                             |
| Шу жумладан, аудитория (контактли) ва мустақил таълимнинг нисбати | 40/60 нисбатдан 50/50 % нисбатгача |
| Аттестация                                                        | 6-15%                              |
| Таътил                                                            | 8-15%                              |
| Малакавий амалиёт                                                 | 6-25%                              |
| Битирув малакавий иши                                             | 2-7%                               |

### Библиографик маълумотлар

УДК 54: 371.3

---

**Таянч сўзлар:** Давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўқув режа, компетенция, модуль, касбий фаолият соҳаси, касбий фаолият объекти, касбий фаолият тури, амалиёт, амалиёт объекти, кадрлар сифати, юклама, юклама ҳажми

Малака талабини ишлаб чиқишда фойдаланилган касб стандарти:

| Касб стандарти номи                  | Касбий фаолият тури                  | Касб стандартининг қайд қилиш рақами | Касб стандартини амалиётга жорий этиш санаси |
|--------------------------------------|--------------------------------------|--------------------------------------|----------------------------------------------|
| Умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиси | Умумий ўрта таълим педагогик фаолият | P.003.1286/И-21                      | 23.08.2021<br>№332 ИЧ                        |

Маълумот: Касб стандартлари реестри. Маълумот: Касб стандартлари реестри. <https://profstandart.uz/uz/profstandart/1291>

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари  
хамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент давлат педагогика университети  
Ректор А.Киргизбаев  
2022 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Кадрлар буюртмачиси:

ОЎМТВ хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илгор  
технологияларни тadbик этиш маркази

Директор Ш.У. Якубов

2022 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими  
вазирлиги хузуридаги Республика таълим  
маркази

Директор Ш.Ш. Саттаров

2022 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
М.Ў.



Жиззах давлат педагогика  
университети  
Ректор \_\_\_\_\_  
2022 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
М.Ў.

Кўқон давлат педагогика институти  
Ректор \_\_\_\_\_

2022 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
М.Ў.



60112300 – Технологик таълими бакалаврият таълим йўналиши  
 бўйича ишлаб чиқилган  
 малака талаби мазмуни бўйича ишчи гурухи

| № | Ишчи гуруҳи раиси ва аъзолари | Аъзоларнинг Ф.И.Ш                 | Лавозими, илмий даражаси ва унвони                                                     | Имзо                                                                                 |
|---|-------------------------------|-----------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------|
| 1 | раис                          | Хаёт Шарипович Кадиров            | Низомий номидаги ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректори                                    |   |
| 2 | раис ўринбосари               | Махмуджон Мухаммаджонович Кодиров | Низомий номидаги ТДПУ Профессионал таълим факультети декани,                           |   |
| 3 | аъзо                          | Хусан Абдурахимович Умаров        | Низомий номидаги ТДПУ “Технологик таълим методикаси” кафедраси мудири, п.ф.ф.д. (PhD)  |   |
| 4 | аъзо                          | Атажан Имаилович Авазбоев         | Низомий номидаги ТДПУ “Технологик таълим методикаси” кафедраси доценти                 |   |
| 5 | аъзо                          | Фотима Абдурахимовна Умарова      | Низомий номидаги ТДПУ “Технологик таълим методикаси” кафедраси доценти, п.ф.ф.д. (PhD) |  |

Ректор

А.К.Киргизбаев

Ўқув ишлари бўйича проректор



Х.Ш.Кадиров

Ўқув-методик бошқарма бошлиғи



Ғ.А.Абдилакимов

Ўқув-меъёрий хужжатларни такомиллаштириш бўлими бошлиғи



Б.Дж.Саттарова

Факультет декани



М.М.Кодиров